| | |
|---|---|
| | Тасдиклайман:<br>Мулкдор -<br>_________________________________<br>"____" ______________2016 й.<br>_________________ |

# «_____________________________» хусусий корхонасининг

# У С Т А В И

_______________ ш.. - 2016 й.

## I. Умумий булим

1.1. «___________________________» хусусий корхонаси (кейинги уринда «КОРХОНА» деб юритилади) даромад олиш максадида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил килинмокда.

1.2. КОРХОНАнинг мулкдори - Узбекистон Республикасининг фукароси ____________________________ «__».________. «_____» йилда тугилган, паспорт ______________ ______________ИИБ томонидан __________ йилда берилган, яшаш жойи: _______________вилояти, _________ шахри, _____________________ кучаси, __ - уй, __-хонадон.

1.3. КОРХОНАнинг тулик фирма номи:

- узбек тилида: «____________________________» **xususiy korxonasi**;
- рус тилида: **Частное предприятие «____________________________»**.

КОРХОНАнинг кискартирилган фирма номи:

- узбек тилида: «____________________________» **ХК**;
- рус тилида: **ЧП «____________________________»**.

1.4. КОРХОНАнинг жойлашган жойи ва почта манзили: ____________ шахар, __________шох кўчаси, ______ - уй.

1.5. КОРХОНА Узбекистон Республикаси конунларига мувофик юридик шахс хисобланади.

1.6. КОРХОНАнинг ташкилий-хукукий шакли – хусусий корхона.

1.7. КОРХОНА уз мулкида алохида мол-мулкка эга булади, уз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларга эга булиши, хамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар булиши мумкин.

1.8. КОРХОНА уз мажбуриятлари буйича узига карашли бутун мол-мулки билан жавоб беради.

1.9. КОРХОНА мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли булмаган такдирда КОРХОНАнинг мажбуриятлари буйича узига карашли мол-мулк билан конун хужжатларига мувофик субсидиар жавобгар булади.

1.10. КОРХОНА Узбекистон Республикаси худуди ва ундан ташкарида конун хужжатларида белгиланган тартибда банк хисоб ракамлари очади.

1.11. КОРХОНА узининг фирма номи ёзилган штампига ва бланкаларига, уз эмблемасига, шунингдек, белгиланган тартибда руйхатдан утказилган товар белгисига, хамда кузга ташланиб турадиган бошка индетификация воситаларига эга булишга хакли.

1.12. КОРХОНА номуайян муддатга тузилган.

1.13. КОРХОНА конун хужжатларида белгиланган тартибда бошка юридик шахснинг муассиси булишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошкача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар, хамда юридик макомига эга булмаган хакамлик судини тузишга хакли.

1.14. КОРХОНА уз ходимларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.15. КОРХОНА мулкдори уз хохишига кура уставга кушимчалар, узгартиришлар киритишга, уни янги тахрирда кабул килишга хакли.

## II. Максади ва фаолияти турлари

2.1. КОРХОНАнинг асосий максади даромад олиш булиб, у максад йулида мазкур Уставнинг 2.2. бандига курсатилган йуналишларда фаолият юритади. КОРХОНА уз максадлари йулида бошка шахслар билан шартномавий муносабатларга

киришишда, шартнома шартларини, курсатиладиган хизматлар таркибини белгилашда эркандир.

2.2. КОРХОНАнинг асосий предмети булиб куйидаги фаолият турлари хисобланади:

- _________________________________________________________.

КОРХОНА Узбекистон Республикаси конунларига зид булмаган бошка хар кандай фаолият турлари билан шугулланиши мумкин.

2.3. Руйхати конунларда белгиланган айрим фаолият турлари билан КОРХОНА факат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд булгандагина шугулланиши мумкин.

## III. Молиявий ва хужалик фаолияти

3.1. КОРХОНА мулкий комплекс сифатида мулкдорнинг хусусий мулки хисобланади.

3.2. КОРХОНАнинг мулкдори КОРХОНА балансини шакллантиришда, устав фондининг номинал кийматини купайтиришда, камайтиришда, устав фондига киритилган мулкларни бахолашда мустаккилдир.

3.3. КОРХОНА мулки шаклланиши манбалари:

- мулкдорнинг пул ва мулкий бадали:
- курсатилган хизматлардан олинган фойда;
- кимматли когозлардан олинган фойда;
- банк ва бошка кредиторлар кредитлари;
- капитал ажратмалар, бюджетдан ажратмалари;
- корхоналар, ташкилотлар, жисмоний шахслар хайрия ажратмалари;
- битимлар буйича, хусусан, текин битимлардан олинган мол-мулк ва даромадлар, конун ман этмайдиган бошка манбалар.

3.4. КОРХОНАнинг устав фонди ________________________ (сумма сўз билан) сумни ташкил этади.

3.5. Устав фондига пул, кимматли когозлар, пул билан бахоланадиган бошка мол-мулк ёки мулкий хукуклар, ёхуд бошка шахсга бериладиган узга хукуклар мулкдорнинг карорига мувофик киритилади.

3.6. Мулкдор уз хохишига кура КОРХОНАни мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, хадя килишга, васият килиб колдиришга ёки уни узгача усулда бошка шахсга утказишга хакли.

3.7. КОРХОНА конунда белгиланган тартибда, муддатларда, молия ва хужалик фаолияти тугирсида давлат органларига хисоботларни такдим килади.

## IV. Бошкарув органлари

4.1. КОРХОНА мулкдори КОРХОНАни рахбар сифатида якка бошкаради, корхона номидан ишончномасиз иш куради, унинг манфаатларини ифодалайди, корхонанинг пул маблагларини, хамда бошка мол-мулкни тассаруф этади, ишончномалар беради, банкларда хисоб варакалар очади, штатларни тасдиклайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий булган буйруклар чикаради ва курсатмалар беради.